



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

2017 йил "1" март

№ 104

Тошкент ш.

**Янги ўқув-услубий мажмуаларини  
тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани  
тавсия этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 1 февралда тасдиқланган "Ўқув режалар ва дастурлар, фанлар мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда 1-босқич бакалавриат йўналишларининг янги ўқув-методик комплексларини яратиш ва уларни 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига жорий этиш ва янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш бўйича Чора-тадбирлар комплекси"да белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Олий таълим ўқув режалари фанларининг янги ўқув-услубий мажмуаларини тайёрлаш бўйича услубий кўрсатма иловага мувофиқ маъқуллансин ва таълим жараёнида фойдаланишга тавсия этилсин.

2. Янги дастур ва адабиётларни жорий этишни назорат қилиш бош бошқармаси (О.Исмоилов)га:

- Олий таълим ўқув режалари фанларининг янги авлод ўқув-услубий мажмуаларини тайёрлаш бўйича услубий кўрсатма асосида ўқув-услубий мажмуалар тайёрланишида олий таълим муассасаларига услубий ёрдам кўрсатиш;

- тайёрланаётган ўқув-услубий мажмуалар белгиланган талабларга риоя қилишини назорат қилиш ва ўқув жараёнида самарали фойдаланилишини назорат қилиш вазифалари юклатилсин.

3. Таянч олий таълим муассасалари ректорларига ўқув-услубий мажмуалар белгиланган муддатларда тайёрланиши ва ўқув жараёнида самарали ишлатилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу буйруқ ижроси назорати вазирнинг биринчи ўринбосари И.Маджидов зиммасига юклатилсин.

Вазир



*Р. Касимов*

Р. Касимов

000000



ОЎМТВнинг 2017 й. “ 1 ” *Март* даги  
107 -сон буйруғига илова

## Олий таълим ўқув режалари фанларининг янги ўқув-услубий мажмуаларини тайёрлаш бўйича УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

### I. Умумий қоидалар

1. Олий таълим ўқув режалари фанларининг ўқув-услубий мажмуаларини ишлаб чиқиш бўйича талаблар (кейинги ўринларда “Талаблар” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарори, Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг 2017 йил 14 январдаги 1-сон баёнидан келиб чиқадиган вазифалар асосида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Талаблар олий таълим ўқув дастурлари фанларининг ўқув-услубий мажмуаларини тайёрлаш бўйича асосий параметрларни ҳамда компьютерда нашрга тайёрлаш ва босмага чиқариш юзасидан услубий талабларни белгилайди.

3. ўқув-услубий мажмуалар олий таълим фанлари бўйича ўқув дастурларига (кейинги ўринларда “фан дастури” деб юритилади) мувофиқ тайёрланган, фанлар бўйича машғулотларни режалаштириш, лойиҳалаш ва ўтиш юзасидан профессор-ўқитувчиларнинг қўлёзма мақомига эга бўлган асосий ўқув-услубий воситаси ҳисобланади.

### II. ўқув-услубий мажмуанинг таркиби

4. ўқув-услубий мажмуа (кейинги ўринларда “ўУМ” деб юритилади) – давлат таълим стандартлари ва фан дастурларида белгиланган талабаларга мувофиқ эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш, фанга оид жаҳондаги илм-фан, техника, технологияларнинг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибаларни кенг ёритиш ва уларни ҳисобга олган ҳолда фан мавзуларини шакллантириш, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида қафолатланган натижаларга эришиш, мустақил билим олиш ва ўрганиш ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган ўқув-услубий воситадир. ўУМ талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-услубий манбалар,

дидактик воситалар ва материаллар, электрон таълим ресурслари, ўқитиш технологияси, баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

5. ЎУМ Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари асосида тузилган фан дастурига мувофиқ, шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи ва мустақил таълим олиш технологиялари, тамойиллари ва талаблари асосида ишлаб чиқилади.

6. ЎУМларни ишлаб чиқиш учун муаллифлар жамоаси ташкил қилиниши, унга фан бўйича профессор-ўқитувчилар, соҳа мутахассислари, таълим йўналиши бўйича таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда фан дастурларини ишлаб чиқувчилари, хорижий тилни биладиган мутахассислар, электрон таълим ресурсларини яратиш бўйича мутахассис дастурчилар ва дизайнерлар, услубчилар киритилиши мақсадга мувофиқ.

7. Муаллифлар жамоаси яратиладиган ЎУМнинг концепциясини ишлаб чиқиши, режа тузиши, мазмуний-услубий тизимни баён қилиши, компонентлар орасидаги ўзаро интеграцияни жорий қилиш йўллари билан белгиланиши ва шу билан бирга ўзларининг ижодий қобилиятини намоён этишлари зарур.

Олий таълим муассасаларда ЎУМларни яратиш ва такомиллаштириш бўйича семинар ва тренинглар ташкил қилиниши тавсия этилади.

8. Ишлаб чиқиладиган ЎУМлар тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари, фан дастурига тўлиқ жавоб бериши, соҳа ва фан бўйича замонавий хорижий адабиётлар, илм-фан, техника ва технологияларнинг энг сэнги ютуқларини ўз ичига қамраган бўлиши лозим.

#### 9. ЎУМ қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

а) **Титул варағи** ва унинг **иккинчи бети**. ЎУМнинг титул варағида вазирлик номи, Олий таълим муассасаси номи, ЎУМни тайёрлаган кафедра номи, ўқув дастурга мувофиқ фаннинг тўлиқ номи, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ тегишли билим, таълим соҳалари ва таълим йўналиши (мутахассислик)ларнинг шифри ва номлари, шаҳар ва ЎУМ ишлаб чиқилган йил кўрсатилади.

ЎУМ титул варағининг иккинчи бетида у Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда “Вазирлик” деб юритилади) томонидан қачон ва қайси буйруқ билан тасдиқланган фан дастури асосида ишлаб чиқилгани, ЎУМни ишлаб чиққан тузувчилар исми, фамилияси, лавозими, илмий даража ва унвонлари, тақризчилар исми,

фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, ЎУМ кўриб чиқилган ва ишлатишга тавсия этилган олий таълим муассасаси Кенгаши баёнининг сони ва санаси келтирилади.

б) **Мундарижа.** ЎУМнинг асосий бўлимлари ва унинг бетлари кўрсатилади.

в) **Ўқув материаллар.** Биринчи ўринда фан дастурига мувофиқ маърузалар мавзулари ёритиб берилади. Мавзулар фан дастурига мувофиқ модуллар таркибида берилиши мумкин. Хар бир мавзу бўйича: режа (ўқув материали матнидан олдин қўйилади), таянч сўз ва иборалар, асосий матн (мавзу мазмуни ва моҳиятига қараб у ҳам қисмларга бўлиниши мумкин). Маърузалар бўйича ўқув материаллар матни кўргазмали элементлар, расмлар, диаграмма, гистограмма, графиклар, қизиқарли ҳаволалар, мисоллар ҳамда талабалар эътиборини жалб қилиб фанни самарали ўзлаштиришга хизмат қиладиган бошқа элементлар билан бойитилиши мумкин. Хорижий адабиётлардан олинган цитаталарга ҳаволалар бериб борилиши шарт.

Иккинчи ўринда фан дастурига мувофиқ амалий ва (ёки) лаборатория машғулотлари мавзулари бўйича ёритиб берилади. Хар бир мавзу бўйича: асосий матн, топшириқлар вариантлари, масала ва мисоллар, кейслар тўплами, лаборатория ишларининг мақсади, мазмуни ва кутилаётган натижаси, лаборатория ишининг батафсил режаси ва тушунтириш матни, лаборатория ишларини ўтказиш қоидалари ва ҳавфсизлик чоралари, назорат саволлари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар рўйхати келтирилиши шарт. Амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш учун зарур асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари кўрсатилади. Ўқув курси якунида хорижий ва маҳаллий адабиётлар рўйхати келтирилиши ҳамда хорижий адабиётлардан олинган цитаталарга ҳаволалар бериб борилиши шарт.

г) **Мустақил таълим машғулотлари.** Фан бўйича мустақил таълим машғулотлар мавзулари ва уларни ўзлаштириш бўйича зарур услубий кўрсатмалар берилади. Фан дастурига мувофиқ курс лойиҳаси, курс иши, ҳисоб-чизма иши, ижодий ва бошқа мустақил ишлар мавзулари, мазмуни, мақсади, кутилаётган натижаси, вариантлари, зарур тушунтиришлар ҳамда мустақил вазибаларини бажаришга қаратилган бошқа маълумотлар келтирилади.

д) **Глоссарий.** Фанга оид термин ва ибораларнинг қисқа талқини бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилади.

е) **Иловалар:**

- фан дастури;
- ишчи фан дастури;
- таркатма материаллар;
- тестлар;
- ишчи фан дастурига мувофиқ баҳолаш мезонларини қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар;
- фанни ўзига хослигига қараб ўрганиш бўйича бошқа материаллар келтирилиши мумкин;
- ЎУМнинг электрон варианты.

### **III. Ўқув-услубий мажмуаларни чоп этишга тайёрлаш**

10. ЎУМлар учун қуйидаги параметрлар қабул қилинади:

- ЎУМларнинг ўлчами 60x84/8 (210x297 мм);
- ҳошияларнинг ўлчами тепадан ва пастдан 20 мм, чап ва ўнг томондан 20 мм, ҳошияларнинг ўлчами  $\pm 10\%$  ўзгартирилиши мумкин;
- ЎУМларни расмийлаштиришда ҳар бир бўлимнинг номи (ёки қисқа номи)ни ифодалайдиган колонтитул элементини жойлаштириш тавсия қилинади;
- саҳифаларни безатиш учун ортикча орнамент ва безак элементларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

11. ЎУМнинг мукава титул варағини расмийлаштиришда уни ишлаб чиққан олий таълим муассасининг логотипи (эмблемаси) ҳамда ЎУМ номидан кейин фаннинг асосий мазмунини ифодалайдиган 1 та рангли расм жойлаштириш мумкин.

12. ЎУМ матнини териш ва саҳифалашда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

12.1. ЎУМларнинг асосий ва қўшимча матнларини теришда Times Uz ва Times New Roman Шрифт гарнитураси, асосий матн учун 12, 14, қўшимча ва ёрдамчи матнлар учун 11, 12 шрифтнинг кеглидан фойдаланиш лозим.

Бунда компьютердан фойдаланишда ушбу параметрларга ўлчами ва ёзилиши яқин бўлган бошқа шрифтлар гарнитурасидан фойдаланиш мумкин. Ўзига хос ёзув шаклига эга тиллар (масалан араб, япон, корейс, хитой, хинд ва бошқалар) учун бошқа мавжуд гарнитуралардан фойдаланиш мумкин.

12.2. Асосий матн 1,0 ёки 1,5 интервалда терилади. Абзац чекиниши ўлчами 1,0 ёки 1,5 см. Бу параметрлар матн бўйлаб бир хил бўлиши шарт.

12.3. Жадваллар номи ва қўшимча матнларни бошқа ранг билан ажратишга йўл қўйилмайди. ЎУМларда асосий матн бир устунда терилиши керак.

12.4. ЎУМларда асосий сарлавҳаларни ҳамда матнда расм остидаги ёзувларни тўқ кўк ранг билан ёзишга йўл қўйилади аммо кўринмайдиган ёзувда ёзишга йўл қўйилмайди.

12.5. Формулалар қора рангда терилади. Формуларни теришда фон ишлатишга ва бошқа рангдан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

12.6. Саҳифаларда асосий ва қўшимча матнларни турли рангли фонларга жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

12.7. ЎУМларда асосий ва қўшимча матнни териш учун 1-2 та шрифт гарнитурасидан фойдаланиш мумкин.

12.8. Даражаси бир хил бўлган ёзув, сарлавҳа ва бошқа матнли элементлар бир хил параметрли шрифт билан терилиши ва расмийлаштирилиши керак.

12.9. Сноскаларни териш учун асосий кеглдан 2 п, 4 п кичик бўлган шрифт кегллари танланади.

12.10 Титул варағида колонцифра (бетларнинг тартиб рақами) қўйилишига йўл қўйилмайди.

12.11. Колонцифралар саҳифанинг тағ қисмининг марказида қўйилиши мақсадга мувофиқ.

13. ЎУМларда расмлар билан ишлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

13.1. Расмлар бир ва кўп рангли бўлиши мумкин.

13.2. Эстетик талаблардан келиб чиққан ҳолда расмларни квадрат шаклда жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

13.3. ЎУМ ларда сифатсиз сканерланган ва ёзувлари аниқ ўқилмайдиган расмларни жойлаштириш маъ этилади.

13.4. Расмлар ва диаграммаларни безатишда 10-15 фоизли, яни жуда оч фондан фойдаланиш лозим.

13.5. Расмлар кетма-кетлиги ҳар бир бобда алоҳида қўйилади, масалан, 1 бобда 1-расм «1.1-расм», 2 бобда 4-расм - «2.4-расм» деб белгиланади. Жадваллар билан расмлар бир хил усулда рақамланади.

13.6. Жадвал ва диаграммаларни безатишда матнни ўқишни қийинлаштирмайдиган оч тусли қаймоқ рангли фондан фойдаланиш лозим.

13.7. ЎУМларни бирдан ортиқ ранг қўллаб ишлаб чиқишда, бошқа ранглار сўз, сарлавҳа, қоидалар, шунингдек, белгилар, жадвал ва х-к. ни ажратишда қўлланилади. Рангларни танлашда уларнинг бир-бирига мослигига ва уйғунлигига эътибор қаратиш шарт.

13.8. ЎУМ да расмлар сони чегараланмаган, лекин расм ҳажмини умумий ҳажмга нисбатан 35% дан оширмаслик тавсия қилинади.

13.9. Матн ва расмли элементларни безашда кўп ҳолларда тўқ қизил ранглardan фойдаланиш тавсия қилинмайди.

14. ЎУМни босмага чиқариш ва муқовалашда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

14.1. ЎУМларни босмага чиқаришда 1-4 рангли лазерли ва пуркашли (струйный) принтерлардан фойдаланиш мумкин.

14.2. ЎУМларни босмага чиқариш учун 1 м<sup>2</sup> вазни 70-80 г бўлган офсет ва идора қоғозларидан фойдаланилади. ЎУМни чоп этишда қоғозни олди ва орқа томонидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

14.3. ЎУМлар қуйидаги хил муқоваларда тайёрланиши мумкин:

- ЎУМ тахламини №76 типдаги қаттиқ муқова билан қоплаш. Бунда муқова офсет ёки идора қоғозида босилиб, шаффоф пленка билан қопланади ёки муқова учун матбаа муқовабоп материали қўлланади;

- ЎУМ тахламини тикмасдан елимлаб маҳкамлаш ва юмшоқ муқова билан бирлаштириш. Бунда муқова учун 240 г/м<sup>2</sup> кўрсаткичга эга қоғоз танланади ва тасвир босилганидан кейин шаффоф пленка билан қопланади.

14.4. ЎУМ тахламларини маҳкамлашда ип билан тикиш, сим билан тикиш, тикмасдан елимлаб маҳкамлаш усуллари қўллаш мумкин.

14.5. Тахлам калинлиги 20 мм дан ортиқ бўлган ЎУМ ларни №76 типдаги қаттиқ муқоваларда тайёрлаш тавсия қилинади.

15. ЎУМларни ишлаб чиқишда санъат, чизма, дизайн йўналишлари учун ҳамда бошқа тиллардаги (масалан араб, япон, корейс, хитой ва бошқа тилларда) фаннинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда безатишлари мумкин.

#### IV. Якуний қисм

16. ЎУМ илмий-услубий ва ўқув-услубий иш ҳисобланади, унинг тузувчилари муаллифлик ҳуқуқига эга ҳамда уларнинг илмий-педагогик фаолияти баҳоланишида ҳисобга олинади.

17. Талабларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва уни бекор қилиш Вазирликнинг буйруғи асосида амалга оширилади.